


“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси Ички
ишлар вазирлиги хузуридаги
Жамоатчилик кенгаши раиси

Ё.Х. Саъдиев

2025 йил “23”



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 мартдаги ПФ-6181-сон, 16 июндаги ПФ-6247-сон, шунингдек, 2024 йил 26 августдаги ПФ-124-сон Фармонлари талабларидан келиб чиққан ҳолда, Ички ишлар вазирлиги хузуридаги Жамоатчилик кенгаши томонидан 2025 йил II-ярим йиллик давомида амалга ошириладиган чора-тадбирлар

ДАСТУРИ

Т/Р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
1.	Жамоатчилик кенгашининг 2025 йил I-ярим йиллик фаолият якунлари, Кенгашнинг янгиланган таркиби билан барчани таништириш, шунингдек келгусида устувор этиб белгиланган долзарб масалалар бўйича вазифаларни белгилашга қаратилган муҳокама йиғилишини ташкиллаштириш	2025 йил биринчи ярим йиллик якунида	ИИВ-ИИББ-ИИБ, ИИВ Ахборот хизмати, ИИВ ММИваКБТД
2.	Ўзбекистон Республикаси ИИВ тизимидаги ислохотларни аҳолига етказиш, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси ҳақида, шунингдек ИИОлари фаолиятига тааллуқли муаммоли масалаларга ойдинлик киритиш юзасидан жойларда ОАВлари вакиллари учун брифинг, матбуот анжумани ёки пресс турлар ташкил этиб бориш ва мазкур тадбирлар ва жараёнларини республика ОАВ орқали кенг ёритилишини таъминлаш	алоҳида режага асосан	ИИВ-ИИББ-ИИБ, ИИВ Ахборот хизмати, ИИВ ММИваКБТД
3.	“1 сентябрь Мустақиллигимизнинг 34 йиллик шонли санаси муносабати билан, жамоатчилик вакиллари иштирокида маънавий-маърифий тадбирларини ташкил этиш ва юқори савияда ўтказиш, шунингдек республика ОАВлари орқали кенг ёритиш	сентябрь ойида	ИИВ-ИИББ-ИИБ, ИИВ Ахборот хизмати, ИИВ ММИваКБТД

Т/Р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
4.	Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган муҳим ташаббус, 2025 йилни “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилиниши доирасида белгиланган вазифаларнинг ижроси борасидаги амалий ишлар юзасидан жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш. Ушбу борада, бюджет маблағларини иқтисод қилиш мақсадида, келгуси даврда босқичма-босқич барча интернет ресурсларини ягона “Хукумат портали”га ўтказиш ишларини амалга ошириш ва бу ҳақда Кенгаш аъзоларини хабардор этиш	алоҳида режага асосан	ИИБ-ИИББ-ИИБ, ИИБ Ахборот хизмати, ИИБ ММИваКБТД, ИИБ АТАваАХБ
5.	2021 йил 4 мартдаги “2021 – 2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6181-сон, 16 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиклигини таъминлаш, Жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6247-сон Фармон ҳамда Президентимизнинг 2024 йил 26 августдаги ПФ-124-сон “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони талабларига тааллуқли пресс-тадбирларни ташкиллаштириб бориш	ҳар чорак давомида	ИИБ-ИИББ-ИИБ, ИИБ Ахборот хизмати, ИИБ ММИваКБТД
6.	25 октябрь - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари ходимлари куни муносабати билан, кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида тегишли маънавий-маърифий тадбирларини юқори савияда ўтказиш ва мазкур тантанали тадбирларга оид тайёрланган видеоларларни республика ОАВлари орқали кенг ёритиш ишларини ташкил этиш	октябрь ойида	ИИБ-ИИББ-ИИБ, ИИБ Ахборот хизмати, ИИБ ММИваКБТД
7.	Ички ишлар органлари фаолиятига ахборот технологияларини ягона технологик ёндашув асосида жорий этишга қаратилган тадбирлар жумладан, соҳани Рақамлаштириш ишлари орқали, тизимда шаффофликни таъминлаш, коррупциявий ҳолатларни олдини олиш, инсон омилини камайтириш ва бошқа алоқадор ишлар тўғрисида Жамоатчилик кенгаши учун маълумотлар бериб бориш	алоҳида режага асосан	ИИБ-ИИББ-ИИБ, ИИБ ММИваКБТД, ИИБ Ахборот хизмати, АТАваАХБ

Т/Р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
8.	Президентимизнинг 2024 йил 26 августдаги “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–124-сон Фармони талаблари ижроси доирасида, Фармоннинг 7.2 ҳамда 7.4-бандлари талабларига кўра, фуқаролик жамияти институтлари томонидан бирорта ташаббусли лойиҳани амалга ошириш учун давлат ижтимоий буюртмасини олиш тўғрисида, ИИВга таклифлар келиб тушган тақдирда, Вазирлик ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши томонидан ўрганиб чиқилиб ҳамда баҳоланиб, ушбу ҳақда ташаббускорга тўғридан-тўғри шартнома тузиш йўли орқали, ижтимоий буюртма бериш мумкин ёки мумкин эмаслиги ҳақида ИИВ МваМТТДга тегишли хулосалар бериб бориш амалиётини йўлга қўйиш	доимий равишда	ИИВ-ИИББ-ИИБ, ИИВ Ахборот хизмати ИИВ Ташкилий департаменти, ИИВ МваМТТД, ИИВ ММИваКБТД
9.	Жойларда амалга ошириладиган сайёр қабуллар, аҳоли муаммоларининг ижобий ечими юзасидан ташкиллаштириладиган учрашувларнинг натижа ва самараси бўйича жамоатчилик вакилларино бохабар этиш мақсадида, тегишли медиа материалларини республика ОАВлари орқали мунтазам кенг ёритиб бориш	ҳар ойда	ИИВ-ИИББ-ИИБ, ИИВ Ахборот хизматлари
10.	ИИВ тизими фаолияти билан боғлиқ матбуот анжуманлари, учрашув, пресс-тур ва бошқа тадбирларда соҳавий хизмат раҳбарлари ва масъул ходимларининг республика ОАВни қизиқтирган мавзуларда интервью беришларини ташкил этиш, бунда хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлаш фаолиятига алоҳида эътибор қаратиш	ҳар ойда	ИИВ-ИИББ-ИИБ, ИИВ Ахборот хизмати, ИИВ ММИваКБТД
11.	Вазирлик фаолиятидаги янги ислохотларга оид, ОАВлари учун хабар, маълумот ва бошқа турдаги ахборот-таҳлилий материалларни ИИВнинг расмий веб-сайтига жойлаштириш орқали, кенг жамоатчилик эътиборига доимий ҳавола этиб бориш	ҳар ойда	ИИВ-ИИББ-ИИБ, ИИВ Ахборот хизматлари
12.	Йўл ҳаракати хавфсизлиги, Жамоат тартибини сақлаш, Миграция ва бошқа соҳавий хизматлар йўналишида тизимни рақамлаштириш ва умумий ривожлантиришга оид бошқа амалий ишлар бўйича Жамоатчилик кенгашларига ҳисобот бериб бориш	доимий равишда	ИИВ-ИИББ-ИИБ, ИИВ Ахборот хизмати, ИИВ ММИваКБТД
13.	Ҳудудий органлар Жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ўрганиш юзасидан, ўзаро ҳамкорликда жойларга хизмат сафарлари ташкил этиш ва улар билан тажриба алмашиш фаолиятини йўлга қўйиш	келишув асосида	ИИВ Жамоатчилик кенгаши вакиллари, ИИВ Ахборот хизмати

Т/Р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
14.	ИИОларида тарбиявий ишлар самарадорлиги ҳамда шахсий таркибнинг маънавий-маърифий билимларини ошириш мақсадида, Фахрийлар кенгашлари, Маънавий-маърифий ишлар хизмати ва унинг ҳудудий тузилмалари, шунингдек, жамоат ташкилотлари, театр, ахборот-кутубхона марказлари, таълим муассасалари иштирокида маънавий-маърифий йўналишдаги тадбирларни ўтказиб бориш	доимий равишда	ИИВ-ИИББ-ИИБ, ИИВ ММИваКБТД, ИИВ Ахборот хизмати
15.	Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш ва унга кенг жамоатчиликни жалб этишни ташкиллаштиришда Ички ишлар органлари ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашлари ва Фахрийлар кенгашлари ҳамкорлигини таъминлаш	доимий равишда	ИИВ-ИИББ-ИИБ, ИИВ ҲПХ, Ахборот хизмати, ММИваКБТД, Фахрийлар кенгаши
16.	Давлат байрамлари ва касб кунлари нишонланиши муносабати билан, ички ишлар органлари ходимлари, нафақадаги ходим ва ҳарбий хизматчилар ҳолидан хабар олиш, жасорат кўрсатган ходимлар ҳақида лавҳаларни тайёрлаш ва кенг ёритиш	доимий равишда	ИИВ-ИИББ-ИИБ, ИИВ ММИваКБТД, ИИВ Ахборот хизмати
17.	ИИВ тизими ёш ходимларини хизмат бурчига ҳамда Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш борасида, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар иттифоқининг ички ишлар органларидаги бошланғич ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатиш	доимий равишда	ИИВ-ИИББ-ИИБ, ИИВ Ёшлар иттифоқи етакчилар кенгаши, ИИВ Ахборот хизмати
18.	“Ватанга ва халққа садоқат билан хизмат қилиш – олий бурчимиз!” мавзусида маънавий-маърифий тадбирлар, спорт тадбирлари, фахрийлар ва ёшлар учрашувларини мунтазам ташкил этиб бориш	доимий равишда	ИИВ-ИИББ-ИИБ, ИИВ ММИваКБТД, ИИВ Фахрийлар кенгаши ИИВ Ахборот хизмати
19.	Ички ишлар органларининг фаолиятдан кенг жамоатчиликни хабардор қилиш мақсадида “Postda - На посту” газетаси, “Қалқон” – Ўит” журнали ҳамда марказий ва маҳаллий нашрлар орқали, фаолиятга оид мақола ва очерклар бериб бориш	доимий равишда	Бирлашган таҳририят, ИИВ ММИваКБТД, ИИВ Ахборот хизмати
20.	Ички ишлар органлари ходимларининг хизмат интизоми ва қонунчиликка риоя қилишлари аҳволини мунтазам ўрганиб бориш ва уни мустаҳкамлашга қаратилган манзилли ва мақсадли чора-тадбирлар муҳокамасини ўтказиб бориш	ҳар чорак давомида	ИИВ-ИИББ-ИИБ, ИИВ Ахборот хизмати, ИИВ ММИваКБТД

Т/Р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
21.	Ижтимоий тармоқларда ИИОлари обрўсига путур етказиши мумкин бўлган маълумотлар бўйича узлуксиз мониторинг олиб бориш ва уларга нисбатан расмий муносабатлар бериш. Тизим имижини кўтаришга мўлжалланган таклифлар тайёрлаш раҳбариятга киритиш, ушбу борада, жойларда ўқув семинарлари ташкил этиш	алоҳида режага асосан	ИИВ-ИИББ-ИИБ, ИИВ Ахборот хизмати, ИИВ ММИваКБТД
22.	Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳамда манфаатдор ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда коррупция иллатига қарши курашиш йўналишида амалга ошириладиган ишларга оид медиа маҳсулотлари тайёрлаш ҳамда кенг жамоатчилик эътиборига мунтазам равишда ҳавола этиб бориш	доимий равишда	ИИВ Ахборот хизмати, ИИВ ММИваКБТД
23.	ИИВнинг таълим муассасаларида узоқ йиллар ички ишлар органларида намунали хизмат қилган, юксак обрў-эътиборга эга бўлган фахрийлар иштирокида авлодлар учрашувларини ташкил этиб бориш	ҳар чоракда	ИИВ ММИваКБТД, ИИВ Фахрийлар кенгаши ИИВ Ахборот хизмати
24.	ИИВ Академиясида тингловчиларнинг маънавий билим-саъвияларини юксалтириш мақсадида, таниқли маънавият тарғиботчилари, олим ва шоирлар, санъат арбоблари иштирокида бадиий кеча, учрашувлар, викторина ва кўрик-танловлар ташкил этиш	ҳар чоракда	ИИВ Академияси, ИИВ ММИваКБТД, ИИВ Ахборот хизмати
25.	Ички ишлар органларининг махсус хизматлари иштирокида ўтказилган Ватанпарварлик руҳидаги тадбирларга оид видеолавҳалар тайёрлаш ва кенг ёритиш	ҳар чоракда	ИИВ Ахборот хизмати, ИИВ ММИваКБТД


**Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари
билан алоқалар бошқармаси бошлиғи
полковник**

**ИИВ Фахрийлар кенгаши раиси,
истеъфодаги генерал-майор**

**ИИВ Маънавий-маърифий ишлар
хизмати бошлиғи, полковник**

“К Е Л И Ш И Л Г А Н”

 **Ш.К. Гиёсов**

 **Э.Н. Норгитов**

 **Х.В. Махсумов**